

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

# 555 Интеллектуал мулк тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

Қонунчилик палатаси томонидан  
2011 йил 10 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида**» ги 1060–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

**1) 9-модданинг:**

**биринчи қисми иккинчи жумласи** қуйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳуқуқ эгаси ЭҲМ учун яратилган дастурни ёки маълумотлар базасини бевосита ёхуд ўз вакили орқали Дастурий маҳсулотлар давлат реестрида ёки Маълумотлар базалари давлат реестрида Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) талабнома бериш орқали рўйхатдан ўтказиши мумкин»;

**иккинчи — олтинчи қисмларидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисми биринчи жумласи** чиқариб ташлансин;

**саккизинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ЭҲМ учун яратилган дастурларни ёки маълумотлар базаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларидан фойдаланишга бўлган мулкий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ юридик аҳамиятга

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2011 йил 27 декабрда эълон қилинган.

эга ҳаракатларни бажарганлик учун ҳақ олинади. Рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ Агентликка тўланади. Рўйхатдан ўтказиш учун ҳақнинг миқдорлари ва уни тўлаш муддатлари, ҳақ тўлашдан озод қилиш, ҳақ миқдорларини камайтириш ёки уни қайтариб бериш учун асослар, шунингдек рўйхатдан ўтказиш учун ҳақ суммасидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

2) **10-модданинг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 6 майда қабул қилинган «**Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида**»ги 1062–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 397–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 158-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 7, 355-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **3-модданинг:**

**номи** ва **биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«3-модда. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги**

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буюн матнда Агентлик деб юритилади) саноат мулки объектларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «Патент идораси», «Патент идораси тўғрисидаги», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик тўғрисидаги», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг номи** ва **матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **5-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **6-модданинг еттинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **7-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **8-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **10-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **11-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **14-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **18-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан», «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан», «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **20-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **21-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **21<sup>1</sup>-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

14) **22-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

15) **23-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **23<sup>1</sup>-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

17) **24-модданинг матнидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) **25-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **26-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

20) **27-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

21) **28-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

22) **28<sup>1</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

23) **29-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

24) **32-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

25) **34-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

26) **35-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

27) **36-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156, 164-моддалар, № 8, 367-модда, № 9, 416-модда, № 12, 598, 608-моддалар; 2008 йил, № 4, 192-модда, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 9, 337-модда; 2010 йил, № 9, 335, 337, 340-моддалар) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1082-модданинг иккинчи қисмидаги** «патент идорасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1088-модданинг матнидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **1089-модданинг матнидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **1105-модданинг учинчи қисмидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **1106-модданинг биринчи қисмидаги** «патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **1108-модданинг бешинчи қисмидаги** «патент идораси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **1110-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикасининг Патент идорасида» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул

қилинган «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги 270–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 29 августда қабул қилинган 395–II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 9, 156-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг:**

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш соҳасидаги ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди»;

**иккинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **6-модданинг учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

3) **7-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

4) **13-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **14-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **15-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **16-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **17-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси», «Патент идорасида» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик», «Агентликда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **18-модданинг матнидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

10) **20-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **22-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **25-модданинг матнидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **26-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **27-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

16) **28-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **29-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

18) **35-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

19) **36-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

20) **37-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси» деган сўзлар «Агентлик» деган сўз билан алмаштирилсин;

21) **38-модданинг матнидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

22) **39-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Интеграл микросхемалар топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги 218–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 87-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **8-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлигига (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **10-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **11-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **12-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **13-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг матнидаги** «Патент идорасида», «Патент идораси то-

монидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликда», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг иккинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

9) **17-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 6-7, 105-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2007 йил, № 7, 323-модда, № 9, 416-модда; 2009 йил, № 9, 330-модда; 2010 йил, № 9, 335, 341-моддалар, № 12, 470-модда) **1-илова-сига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **олтмиш иккинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намойиш этиш»;

2) **олтмиш учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарларни, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурларни такрорлаш, сотиш, прокатга бериш»;

3) **олтмиш тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фонограммаларни тайёрлаш»;

4) **олтмиш еттинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Аудиовизуал асарлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун яратилган дастурлар учун моддий жисмларни ишлаб чиқариш».

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган «**Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида**»ги 267–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9–10, 178-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 418-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **7-модданинг:**

**биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси (бундан буён матнда Патент идораси деб юритилади)» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисми биринчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Агентлик»;

2) **8-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идораси то-

монидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **9-модданинг тўртинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **12-модданинг матнидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

5) **13-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идораси» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентлик» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **14-модданинг матнидаги** «Патент идорасига», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентликка», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **15-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **16-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

9) **18-модданинг матнидаги** «Патент идораси», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентлик», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **19-модданинг матнидаги** «Патент идорасининг», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликнинг», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **20-модданинг учинчи қисмидаги** «Патент идораси томонидан» деган сўзлар «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасини», «Патент идораси томонидан» деган сўзлар тегишинча «Агентликни», «Агентлик томонидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **25-модданинг тўртинчи қисми учинчи хатбошисидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

14) **26-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасининг» деган сўзлар «Агентликнинг» деган сўз билан алмаштирилсин;

15) **30-модданинг бешинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

16) **31-модданинг иккинчи қисмидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин;

17) **32<sup>2</sup>-модданинг матнидаги** «Патент идораси томонидан», «Патент идорасининг» деган сўзлар тегишинча «Агентлик томонидан», «Агентликнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

18) **33-модданинг биринчи қисмидаги** «Патент идорасига» деган сўзлар «Агентликка» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **34-модданинг матнидаги** «Патент идорасида» деган сўзлар «Агентликда» деган сўз билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ЎРҚ–136-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, 12-сонга 1-илова; 2008 йил, № 12, 639-модда; 2009 йил, № 9, 330, 331-моддалар, № 12, 470, 472, 473-моддалар; 2010 йил, № 5, 178-модда, № 9, 334, 335, 336, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 474-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 248-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **329-модда** қуйидаги мазмундаги **34-банд** билан тўлдирилсин:

«34) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан»;

2) **330-модда** қуйидаги мазмундаги **28-банд** билан тўлдирилсин:

«28) Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги — интеллектуал мулк объектларига нисбатан ҳуқуқ эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кўзлаб қилинадиган даъволар юзасидан»;

3) **331-модда:**

**5-бандининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи, бешинчи** ва **олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«банклардаги омонатлар, шахсий ва мулкый суғурта шартномалари бўйича суғурта суммалари, давлат заём облигациялари учун, иш ҳақи суммалари учун; фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологияси муаллифининг мулкый ҳуқуқлари, шунингдек ижрочининг ижрога доир мулкый ҳуқуқлари учун;

фан, адабиёт ва санъат асарлари, ихтиро, селекция ютуғи, фойдали модель, саноат намунаси, интеграл микросхемалар топологиясини яратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ижроларни яратиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳақи суммалари учун»;

**14-бандидаги** «Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 26 декабрь,  
ЎРҚ–312-сон